

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АБДИРАСУЛ ЮЛЧИБАЕВИЧ

**ПАХТА ЧИГИТЛАРИНИ ҲАВО ОҚИМИ ЁРДАМИДА
САРАЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси
ва хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
по техническим наукам
Contents of Dissertation Abstract of Doctor of Philosophy(PhD)
on Technics Science**

Турсунов Абдирасул Юлчибаевич

Пахта чигитларини ҳаво оқими ёрдамида саралашнинг самарали
технологиясини яратиш3

Турсунов Абдирасул Юлчибаевич

Создание эффективной технологии сортировки хлопковых семян с помощью
воздушным потоком.....19

Tursunov Abdirasul Yulchibayevich

Creation of efficient technology for screening cotton seeds by airflow.....33

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works.....36

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc. 27.06.2017.Т. 08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НАМАНГАН МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВ АБДИРАСУЛ ЮЛЧИБАЕВИЧ

**ПАХТА ЧИГИТЛАРИНИ ҲАВО ОҚИМИ ЁРДАМИДА
САРАЛАШНИНГ САМАРАЛИ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ЯРАТИШ**

**05.06.02 – Тўқимачилик материаллари технологияси ва
хомашёга дастлабки ишлов бериш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент - 2018

Техника фанлари бўйича фалсафа фанлари доктори (DhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий Аттестация комиссиясида В2018.1. PhD/ T283 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Наманган муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус ва инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида(www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Аҳмедходжаев Хамид Турсунович
техника фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Джўраев Анвар Джўраевич
техника фанлари доктори, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович
техника фанлари номзоди.

Етакчи ташкилот:

Фарғона Политехника институти

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.27.06.2017.T.08.01. – рақамли илмий кенгашнинг 2018- йил «30» март соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (манзил: 100100, Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон кўчаси- 5, тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институти мамурий биноси, 2-қават, 222-хона)

Диссертация билан Тошкент тўқимачилик ва энгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (28-рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: Тошкент ш., Яккасарой тумани, Шохжаҳон – 5, тел. (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2018 йил «15» март куни тарқатилди.
(2018-йил «15» мартдаги 28 рақамли реестр баённомаси).

Қ.Жуманиязов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси, т.ф.д., профессор

А.З.Маматов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

С.Ш.Ташпўлатов

Илмий даражалар берувчи илмий
кенгаш ҳузуридаги илмий семинар раиси,
т.ф.д., профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Жаҳон тўқимачилик маҳсулотининг асосий хомашёси пахта толаси ҳисобланади. «Пахта бўйича Халқаро консултатив кўмита» (ICAC) маълумотларига қараганда 2016-2017 йил мавсумида жаҳон миқёсида 23,07 млн тонна пахта толаси ишлаб чиқарилди, унинг истеъмоли 24,55 млн, тола захиралари 18,54 млн тоннани ташкил этди. 2017-2018 йил мавсумида эса тола ишлаб чиқариш 25,1 млн. тоннани ташкил этиши кутилмоқда¹. Пахта толасига талабнинг ортиши ўз навбатида унинг сифати ва уни ишлаб чиқариш самарадорлигини тўхтовсиз ошириб боришни талаб этади. Бу борада пахта толасининг жаҳон бозорида рақобатбардошлигини ошириш, замонавий ҳамда технологик жиҳатдан ишончли ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқарувчи янги технология ва қурилмаларни модернизация қилишга катта эътибор берилмоқда. Айниқса, жаҳон пахта тозалаш соҳасида юқори самарадорликка эга бўлган пахта тозалаш машиналарини такомиллаштириш ва ресурстежамкор технологияларни яратишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Жаҳон тажрибасида чигитли пахтани дастлабки ишлаш техника ва технологиясини такомиллаштиришга йўналтирилган кенг кўламли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Ушбу соҳада, жумладан пахта чигитини ҳаво оқими ёрдамида сараловчи самарали технологияни ишлаб чиқиш, чигитни бир текисда узлуксиз узатиш, ресурстежамкор таъминлагичларнинг самарали қурилмаларини яратиш, ишлаш режимлари ва параметрларини оптималлаштириш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Республикамизда пахта тозалаш саноатини модернизация қилиш асосида ички ва ташқи бозорда пахта маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда сифат кўрсаткичларини яхшилаш орқали уларнинг рақобатбардошлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...миллий иқтисодиётнинг рақобатбардошлигини ошириш, ...иқтисодиётда энергия ва ресурслар сарфини камайтириш, ишлаб чиқаришга энергия тежайдиган технологияларни кенг жорий этиш²» вазифаси белгилаб берилган. Ушбу вазифани бажаришда, жумладан уруғлик пахта чигитини ишлаб чиқаришга бир меъёрда узатиш ва ҳаво оқими ёрдамида саралашнинг самарали технологиясини яратиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2015 йил 4 мартдаги ПҚ-4707-сон «2015-2019 йиллар учун таркибий ислохотлар, модернизация қилиш ва ишлаб чиқаришни

¹ International cotton advisory committee. Washington, From the Secretariat of the ICAC. Email secretariat@icac.org. September 1, 2017

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони

диверсификация қилишга доир чора-тадбирлари дастури тўғрисида»ги Қарори, 2017 йил 28 ноябрдаги ПҚ-4408-сон «Пахтачилик тармоғини бошқариш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Турли махсулотларни аэродинамик ускуналар ёрдамида ташиш, саралаш йўналишидаги масалалар билан бир қатор чет эл олимлари Кольбрук, Уайт, Георгитца, Сингх, Гупта, Озеен, Джозеф, Браббе, Рекнагель, Пельцер, Э.Грюнвальд, Е.Е.Михаэлидис ва бошқалар тадқиқотлар олиб борган.

Пахта уруғларининг асосий табиий-механик хоссаларини ўрганиш, юқори сифатли тола берувчи уруғлик чигитлар тайёрлаш масаласи бўйича қатор олимлар, шу жумладан И.И.Новицкий, С.П.Иванов, Д.Е.Хармац, Н.М.Бушуев, С.Исмаилжанов, Г.И.Мирошниченко, Р.В.Корабельников, Д.Якубов, Х.Т.Ахмедходжаев, Р.Муродов, Х.Мамарасулов, В.Ракипов, Х.И.Исаханов, М.Тожибоев, Р.С.Хожиматов, С.Тўхтабаев, А.Обидов ва бошқалар бу соҳа ривожига муносиб ҳисса қўшдилар.

Лекин, ҳозиргача охириги йилларда яратилган ва районлаштирилган бир қанча навли чигитларнинг физик-механик хусусиятлари тўлиқ ўрганилмаган. Шунингдек, чигитларни турли чет аралашмалардан тўлиқ тозалаш, уруғли чигитни сифатли, юқори аниқликда саралаб олиш, аэродинамик саралагичда ҳаво оқимини бошқариш, энергия сарфини камайтириш, уруғлик чигитнинг талаб этилган сифат кўрсаткичларини таъминлаш масалалари ўзининг самарали ечимини топмаган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг «Энергетика, энергия ва ресурс тежамкорлик» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Наманган муҳандислик-технология институти илмий тадқиқот ишлари режасининг ИТД-3-61 «Пахта чигитини аэродинамик ҳаво оқимида саралаш технологиясини такомиллаштириш» мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади горизонтал ҳаво оқимида саралаш қурилмасини такомиллаштириш йўли билан уруғлик чигитнинг сифатини яхшилаш, энергия сарфини камайтиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифаси:

аэродинамик саралагичда чигитларга таъсир этувчи кучларни эътиборга олган ҳолда назарий тадқиқотлар ўтказиш ва олинган натижалар таҳлили асосида янги саралаш машинаси конструкциясини яратиш;

пахта чигитининг саралаш жараёнида ҳаракатланиши ва унга қурилманинг асосий иш органлари таъсирини назарий тадқиқ қилиш йўли билан саралагичнинг параметрларини аниқлаш;

янги аэродинамик саралагичнинг тажриба қурилмасини тайёрлаш ва унда режали тажрибалар ўтказиш ҳамда тажриба натижаларини қайта ишлаш орқали саралагичнинг оптимал параметрларини аниқлаш;

назарий ва амалий тадқиқотлар натижаларини таҳлил қилиш ва умумлаштириш йўли билан саралагичнинг самарали ишлашини таъминловчи технологик параметрларини аниқлаш ва ишлаб чиқариш намунаси тайёрлаш;

янги саралагичнинг ишлаб чиқариш синовларини ўтказиш ва олинган натижалар таҳлили асосида унинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида уруғлик пахта чигити, уни ишлаб чиқариш ва ҳаво оқимида ташиш, саралаш жараёни ва ускуналари ол инган.

Тадқиқотнинг предметини уруғлик пахта чигитини ҳаво оқимида саралаш жараёни, уни тадқиқ қилишнинг мавжуд усул ва воситалари ташкил қилади.

Тадқиқот усуллари. Тадқиқот жараёнида назарий механика, аэродинамика, тўлиқ факторли экспериментлар, солиштириш, баҳолаш ва мақсадли электрон дастурлар ёрдамида оптималлаштириш усуллари қўлланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат;
пахта чигитини горизонтал ҳаво оқимида ёрдамида саралаш қурилмасининг янги конструкцияси яратилган;

пахта чигитини ўзгармас ва ўзгарувчан кесимли аэродинамик саралагичдаги ҳаракатининг динамик моделлари таҳлили асосида янги саралагичнинг параметрлари аниқланган;

саралаш жараёнида фракцияларнинг ҳаракат қонуниятлари асосида саралагичнинг энергия сарфини камайтиришини таъминлайдиган технологик параметрлари ва иш режими аниқланган;

чигитларнинг сепарацион камерада ҳаракатланиш қонунлари, саралаш унумдорлигини ҳаво оқими тезлигига пластинка оғиш бурчагига боғлиқлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:
уруғлик пахта чигитини саралаш жараёнининг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилган;

пахта чигитини ҳаво оқимида бир текисда узатиб берувчи ишчи органи ҳамда аэродинамик саралагичнинг ҳаво оқими ва иш режимини бошқарувчи пластинкали регулятор яратилган;

чигитларнинг учиб тушиш масофасининг чигит массасига боғлиқ равишда ўзгариши қонуниятлари аниқланган;

кўп омилли экспериментлар ёрдамида қурилманинг параметрлари ва иш режими аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги уларнинг мавжуд ва амал қилаётган фундаментал назарияга мантқан мувофиқ келиши, ҳисобий ишларда стандартлаштирилган усул ва воситалардан фойдаланилганлиги, олинган натижаларни реал иқтисодий самара билан ишлаб чиқаришга жорий қилиниши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти пахта чигитини горизонтал ҳаво оқимида ҳаракатининг янги математик модели, пахта чигитининг ўзгармас ва ўзгарувчан кесимли аэродинамик саралагичдаги ҳаракатининг динамик модели яратилгани ҳамда саралаш жараёнида фракцияларнинг ҳаракат қонуниятлари аниқлангани, ишчи органлари иш режими ва параметрлари аниқлангани билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти уруғлик пахта чигитини саралаш жараёнининг такомиллаштирилган технологияси ишлаб чиқилгани, пахта чигитининг турли навлари физикавий-механик хусусиятлари аниқлангани ва пахта чигитини ҳаво оқимида бир текисда узатиб берувчи ишчи органи ҳамда аэродинамик саралагичнинг ҳаво оқими ва иш режимини бошқарувчи пластинкали регулятор яратилганлиги, оптимал ишлаб чиқариш режими танланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Уруғлик пахта чигитини горизонтал ҳаво оқимида саралаш жараёнларини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

аэродинамик саралаш ускунаси учун Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (“Икки секцияли пахта чигитини сараловчи қурилма”, IAP 201705516. -2017 й.). Натижада уруғлик чигитининг турли ифлосликлардан тозаланиши, саралашда аэродинамик қаршиликнинг ва чигит механик шикастланишининг камайиши, уруғлик чигит сифатини яхшилаш, қурилма энергия сарфини камайитириш имконини берган;

уруғлик чигитини горизонтал аэродинамик саралаш қурилмаси «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли Чуст пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг №02-18/943 2018 йил 22 февралдаги маълумотномаси). Натижада ҳаво оқими тезлиги, траекториясини бошқариш, уруғлик таркибидаги ифлослик ва экишга яроқсиз фракциялар камайиши ва юқори саралаш самарадорлигини таъминлаш имконини берган;

саралагичнинг янги рационал параметрлари ва иш режимлари «Ўзпахтасаноат» АЖга қарашли Чуст пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. («Ўзпахтасаноат» АЖнинг №02-18/943 2018 йил 22 февралдаги маълумотномаси). Натижада чигит механик шикастланишининг 1,91% камайиши, уруғлик чигит сифатини ошириб, синфини 6% яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Тадқиқот мавзуси бўйича 18 та илмий иш, шундан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 6 та, шу жумладан чет элда 1 та мақола чоп этирилган ва 2 та Ўзбекистон Республикаси патенти олинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти ассланган, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг йўналишларига боғлиқлиги, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, мавзунинг диссертация бажарилаётган институт илмий тадқиқотлари билан боғлиқлиги, унинг мақсади, вазифалари, тадқиқот объекти, предмети, усуллари, илмий-амалий натижалари, уларнинг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, натижаларининг жорий қилиниши, апробацияси, эълон қилиниши, диссертациянинг тузилиши ва ҳажми тўғрисида маълумотлар берилган.

Диссертациянинг **“Уруғлик пахта чигитини саралаш техника ва технологиясининг бугунги кундаги ҳолати таҳлили”** деб номланган биринчи боби пахта чигитини саралашнинг техника ҳамда технологиясининг таҳлиliga бағишланган. Маълумотларга кўра пахта ҳосилдорлиги яхши сараланмаган чигитлар ҳисобига 20% гача, тўлиқ етилмаганлиги ҳисобига эса 30% гача камайиши кузатилган. Пахта ҳосилдорлиги кўп жиҳатдан биологик бир хил етилган чигитларни саралаб олиш жараёни ва саралаш техникасининг такомиллаштирилган даражасига ҳам боғлиқ.

Муаммонинг долзарблигига қарамай кейинги ўн йилликда, уруғлик чигит тайёрлаш бўйича етарли даражада техник ечим берадиган тақиқотлар бажарилмаган. Натижада чет давлатлардан янги технологияларни олиб келиб ишлатилмоқда. Улар валютага, қиммат нарҳда сотиб олинишидан ташқари, бир қатор камчиликларга ҳам эга эканини ҳисобга олсак, уруғлик пахта чигитини қайта ишлаш, шунингдек, уни юқори аниқликда саралаш, ифлосликлардан тозалаш йўли билан уруғлик чигит сифатини ошириш, қолаверса жараён энергия сарфини камайтириш йўли билан унинг таннархини камайтириш мақсадида тадқиқотлар олиб бориш зарур эканлиги тўғрисида хулоса қилиш мумкин.

Диссертациянинг **“Пахта чигитларини горизонтал ҳаво оқими таъсирида саралаш жараёнларини назарий тадқиқи”** деб номланган иккинчи бобида пахта чигитини ҳаво оқимида саралашнинг назарий математик моделининг дифференциал тенгламалари тузилиб, уларнинг ечимлари асосида, тегишли натижалар олинди.

Жумладан, якка чигитнинг кўндаланг кесим юзаси ўзгармас қувурдаги ҳаракати дифференциал тенгламаси Ньютоннинг иккинчи қонунига кўра куйидаги кўринишда ифодаланади (m - якка чигит массаси):

$$m \ddot{x} = m \dot{v}_x = -F_x, \quad (1)$$


$$m \ddot{y} = m \dot{v}_y = -F_y - mg \quad (2)$$

бу ерда v_x, v_y -якка чигит тезлигининг, v_{0x}, v_{0y} -ҳаво оқими тезлигининг координата ўқлардаги мос проекциялари, F_x ва F_y -ҳавони чигит харакатига қаршилик кучининг координата ўқлардаги мос проекциялари. Бунда F_x ва F_y қуйидаги формулалар билан ифодаланади:

$$F_x = \frac{\psi f \rho (v_x - v_{0x}) \sqrt{(v_x - v_{0x})^2 + v_y^2}}{2} \quad (3)$$

$$F_y = \frac{\psi f \rho v_y \sqrt{(v_x - v_{0x})^2 + v_y^2}}{2} \quad (4)$$

бу ерда $f = f_w \cdot \Psi$, $\Psi = \frac{\pi}{f_r} \left(\frac{6v_r}{\pi} \right)^{2/3}$ -чигитнинг шакл омили, f_w -келтирилган радиусли чигитнинг шар сферасини мидел кесим юзаси, ρ -



1- Расм Чигит шакли схемаси

ҳаво зичлиги, $Re = \frac{2R_r U \rho}{\mu}$ -Рейнольдс сони,

$U = \sqrt{(v_x - v_{0x})^2 + v_y^2}$ -нисбий тезлик, $\zeta(Re)$ - ҳаво оқимининг тезлигига боғлиқ ҳолда аниқланадиган Рейнольдс функцияси. (3) ва (4) формулалардан кўришиб турибдики, ҳавонинг чигит харакатига қаршилик кучи, чигитнинг профилига боғлиқдир. Шу муносабат билан чигит шаклини қуйидаги геометрик айланма жисм кўринишда оламиз.

Чигитнинг бир қисми oz катта ўқи баландлик бўйлаб- b га, кичик ўқи ox бўйлаб- a -га тенг бўлган ва oz ўқи атрофидаги айланма сирт деб қараймиз. Унинг иккинчи қисмини эса асоси айлана бўлган, айланма конус сирти деб қараймиз. Шундан келиб чиқиб oz -текислигида чигит сирти тенгламасининг параметрик кўринишини оламиз:

$$z = b \sin t \quad x = a \cos t \quad -\frac{\pi}{2} < t < \alpha, \quad (5)$$

$$x = b_0 + b_1 \cdot b \sin t + b_2 \cdot b^2 \sin^2 t \quad \alpha < t < \frac{\pi}{2} \quad (6)$$

Чигитнинг геометрик шакли параметрик кўринишдаги тенгламалари (5) ва (6) билан берилган эгри чизиқларининг OZ ўқи атрофида айланишидан ҳосил бўлган жисмдан иборат бўлади ва унинг ҳажми қуйидаги формула ёрдамида аниқланади:


$$V_r = \pi b \left\{ a^2 \left(\alpha + \frac{\pi}{2} \right) \frac{3 \cos^2 \alpha \sin \alpha - \sin^3 \alpha + 2}{3} + \frac{b_2^2 b^4}{5} c_5 + \frac{b_1 b_2 b^3}{2} c_4 + \frac{(2b_0 b_2 + b_1^2) b^2}{3} c_3 + b_0 b_1 b c_2 + b^2 c_1 \right\}$$

бу ерда

$$c_k = 1 - \sin^k \alpha \quad (7)$$

2- расмда баландлик h_0 ва бурчак α ларнинг ҳар-хил қийматларида чигитнинг геометрик шакллари келтирилган. Ҳисобларда $b = 0.005$ м ,

$a = 0.004$ м деб қабул қилинган. Натижаларга эътибор берилса, конус баландлиги ва бурчакнинг ортиб бориши билан шаклнинг конуссимонлиги ҳам ортиб бориши, камайиши билан эса шаклнинг шарсимонлиги ортиб боришини кўриш мумкин. Бунда 3 ва 4-шакллар пахта чигитининг ҳақиқий шаклига яқин келади. Чигитнинг ҳақиқий шакли назарий тадқиқотлар учун унинг мидель кесимини тўғри ҳисоблаш, оқибатда назарий тадқиқотлар натижаларининг амалий натижаларга яқин бўлишини таъминлайди.



2-расм. Конус баландлиги h_0 ва бурчак α (град) ҳархил қиймаларида чигитнинг геометрик шакллари: 1- $\alpha = 5^\circ$, 2- $\alpha = 15^\circ$, 3- $\alpha = 30^\circ$

Пахта чигитининг ҳаво оқимидаги ҳаракатини чигит саралагичда текшираемиз: (0) ва (1) кесимда (4) ва (5) формуладан коэффициент $\alpha = \frac{0.22 \psi f_w \rho}{m}$, чигитнинг шаклини белгилайдиган параметр ψ мидель кесим юза ва унинг массасига орқали ифодаланади.

Ҳаво тезлиги v_0 бўлиб, унинг қиймати қувур кесими юзаси ўзгармас бўлган ҳолга мос келади. Агар қувурнинг кесим юзаси ўзгарувчи бўлса, у ҳолда ҳаво оқими массасининг ўзгармаслиги шarti ушбу тенглик орқали ёзилади: $s_0 \rho_0 v_0 = s_1 \rho_1 v_1$. $\rho_1 = \rho_0$, бўлганда $v_1 = v_0 \frac{S_0}{S_1}$ тенглик келиб чиқади. Бу шартдан қувурнинг иккинчи қисми учун чигит ҳаракат тенгламаларни ёзамиз:

1-ҳол. Агар $t < t_1$ (t_1 -чигитни 1-саралагич қисмини босиб ўтиш вақти) бўлса, чигитнинг ҳаракат қонунлари $x = x(t)$, $y = y(t)$ тенгламалар ечимидан аниқланади:

$$m \ddot{x} = -c_1 (\dot{x} - v_0) \sqrt{(\dot{x} - v_0)^2 + \dot{y}^2}, \quad (8)$$

$$m \ddot{y} = -c_1 \dot{y} \sqrt{(\dot{x} - v_0)^2 + \dot{y}^2} - mg \quad (9)$$

2-хол. Агар $t > t_1$ да унинг ҳаракат қонунлари $x = x_1(t)$, $y = y_1(t)$ шартларда ушбу тенгламалардан аниқланади:

$$m \ddot{x}_1 = -c_1 \left(v_1 - \dot{x}_1 \right)^2 \quad (10)$$

$$m \ddot{y}_1 = -c_1 \dot{y}_1 \left(v_1 - \dot{x}_1 \right) - mg \quad (11)$$


(10) ва (11) тенгламалар ўринли бўлиши учун $v_1 > v_{0x}$ шarti бажарилиши зарур. Бу тенгламалар $x_1(t_1) = x(t_1)$, $y_1(t_1) = 0$ $\dot{x}_1(t_1) = \dot{x}(t_1) = v_{1x}$ $\dot{y}_1(t_1) = \dot{y}(t_1) = v_{1y}$ шартларда интегралланади:

$$x = x(t_1) + v_{1x}t - \frac{1}{\alpha} \ln [\alpha (t - t_1)(v_1 - v_{1x}) + 1] \quad (12)$$

$$y = v_{1y} \frac{\ln[\alpha w_1(t - t_1) + 1]}{\alpha w_1} - \frac{g \{ \alpha^2 (t - t_1) w_1^2 + 2\alpha (t - t_1) w_1 - 2 \ln [\alpha (t - t_1) w_1 + 1] \}}{4\alpha^2 w_1^2}, \quad (13)$$

Агар $y(t_1) = 0$ тенглама ечимга бўлмаса, у ҳолда чигит ОА сирт билан учрашмайди ва қувурнинг иккинчи қисмида ҳаракатланади. Шундай усул билан чигитнинг кесим юзаси S_2 бўлган учинчи қисмдаги ҳаракатни ўрганиш мумкин.

3-расмда икки хил вазндаги чигитнинг қувурдаги ҳаракат траекториялари келтирилган. Ҳисобларда параметрларнинг $h = 0.5 \text{ м}$, $a = 0.004 \text{ м}$, $b = 0.005 \text{ м}$, $v_0 = 15 \text{ м/с}$, $v_{0x} = v_{0y} = 0$ чигит массасининг иккита қиймати $m = 0.138 \text{ з}$ (1-3 чизиклар) $m = 0.06 \text{ з}$ (4-6 чизиклар), $\alpha = 15^\circ$ (а) ва $\alpha = 45^\circ$ (б), чигитнинг бошланғич координаталари $(0, 0)$, $(1 \text{ ва } 3 \text{ чизиклар})$, $(0, 0.2)$ $(2 \text{ ва } 5 \text{ чизиклар})$ ва кейингиси $(0, 0.4)$ $(3 \text{ ва } 6 \text{ чизиклар})$ қабул қилинган.



3-расм. Икки вазнли чигит ҳаракатининг α бурчакнинг $\alpha = 15^\circ$ (а) $\alpha = 45^\circ$ (б) ва ҳар-хил бошланғич координатлардаги траекториялари

Графиклар эътибор берилса, пахта чигитининг 6 хил фракцияси параметрларнинг турлича қийматига қарамай, 2,5 масофада 2 та чигит тўплагичга тўлиқ тушишини кўриш мумкин.

Маълумки, ҳаво ва чигит аралашмаси икки компонентли муҳит бўлиб уларнинг биргаликдаги ҳаракат қонунлари саралаш жараёнини ташкил этади. Уларнинг биргаликдаги ҳаракат қонунларини Х.А.Рахматулин моделига кўра қуйидаги тенгламалар орқали ифодалаймиз:


$$\rho_{01} u_{10} \frac{du_1}{dx} = -n \frac{dp}{dx} + k(u_2 - u_1), \quad (14)$$

$$\rho_{20} u_{20} \frac{du_2}{dx} = -(1-n) \frac{dp}{dx} + k(u_1 - u_2), \quad (15)$$

$$\rho_{10} u_{10} \frac{dv_1}{dx} = k(v_2 - v_1) + \rho_1 g, \quad \rho_{20} u_{20} \frac{dv_2}{dx} = k(v_1 - v_2) + \rho_2 g. \quad (16)$$

(15), (16) тенгнамалар ушбу холда чигит билан ҳавонинг биргаликдаги ҳаракатини стационар, деб қаралган. Юқоридаги тенгнамалар сонли усулда, тегишли чегаравий шартлар асосида Maple дастури асосида ечилган.

4-расмда ҳаво заррачарининг тезлиги u_1 (а) ва чигит тезлиги u_2 (б) ларнинг қувур ўқи йўналиши бўйича ўзгариш графиклари келтирилган.



4-расм. Ҳаво заррачалари u_1 (а) ва қаттиқ заррачалар (чигитлар) u_2 (б) оқми тезликларининг қувур ўқи йўналиши бўйича ўзгариш графиклари


Келтирилган графиклар таҳлилидан ҳаво тезлиги қувур узунлиги бўйлаб қисқа масофада (≈ 1.0) тезда пасайиши (каррали равишда) ва кейинчалик унинг камайиш секинлаши, чигит тезлиги эса ошиб бориши кузатиляпти. Демак якка чигит ҳаракатини ўрганишда ҳаво тезлиги ўзгармас, деб қабул қилинган бўлса, чигитнинг ва ҳаво оқими аралашмасида ҳавонинг тезлиги k параметрнинг қийматига мувофиқ тезда камайиб кетиши кузатиляпти. Чигит оқими тезлигининг ўзгариши якка чигит ҳаракат қонунидан катта фарқ этмаслигини кўриш мумкин.

(15) ва (16) тенгликлардан фойдаланиб ҳаво ва чигит тезликларини ғовақлик орқали ифодалаймиз:

$$u_2 = u_{20} \frac{(1-n_0)u_1}{u_1 - n_0 u_{10}}; \quad u_1 = u_{20} \frac{u_{10} n_0 (1-n)}{u_{20} (1-n_0)n} \quad (17)$$

(17) тенгликни эътиборга олиб ғовақликни тезлик u_1 орқали боғланишини аниқлаймиз:

$$n = \frac{n_0(u_1 - n_0 u_{10})}{n_0(u_1 - n_0 u_{10}) + (1 - n_0)^2 u_{10}} \quad (18)$$



5-расм. Пахта ғоваклиги n нинг қувур ўқи бўйича ўзгариш графиги

Унинг таҳлилидан ғовакликнинг қувур ўқи бўйлаб қисқа масофада кескин камайиши, бунинг натижасида ҳаво оқими тезлигининг камайиши, шунингдек ҳавода чигитлар улушининг ошиб кетиши юзага келади. Бундай ҳолат чигитларни ҳаводан ажратиб олиш имкониятини яратади.

Ҳаво ва чигит оқимининг қувур ўқиға перпендикуляр йўналишда (o_y ўқиға тескари йўналишдаги) ҳаракат тезликларининг ўзгариш графиглари кўрсатилган. Бу графигларда ҳам ҳавонинг

бу йўналишдаги тезлиги камайиши, чигит оқимининг тезлиги эса тезда ошиши кузатилаяпти. Бу вазият чигитлар массасини саралаш имкониятини яратиши мумкин.


Графиглар таҳлилидан танланган координатларда заррачаларнинг траекториялари яққа чигит ҳаракат траекторияларига яқинлиги кузатилаяпти. Шундай қилиб, чигит ва ҳаво аралашмаси икки тезликли (компонентли) муҳит асосида тадқиқ этилса, ҳар бир чигит билан ҳавонинг ўзаро таъсирланишуви қонуни айниқса ҳаво оқими тезлигига етарли даражада таъсир ўтказиши мумкин.

Диссертациянинг **“Горизонтал ҳаво оқими таъсирида ишловчи саралаш қурилмасини яратиш”** деб номланган учинчи бобида дастлаб назарий ва тажриба тадқиқотлари мувофиқлиги учун саралаш технологиясида аҳамиятли бўлган, пахта чигитларининг массалари, узунлиги, солиштирма оғирлиги, кенлиги, йўғонлиги эътиборга олиниб, охириги йилларда яратилган навларнинг физик-механик хусусиятлари бўйича таҳлиллар ўтказилди.

Ўтказилган амалий тадқиқотлар натижаларига кўра, чигитлар ичида энг кўп улуш 28 % ни узунлиги 10.4 мм бўлган чигитлар, 25% ни 10 мм бўлган чигитлар, 21% ни 9.6 мм ли чигитлар ташкил этади. Бошқа чигитлар миқдори 10 % дан ҳам паст. Муайян навдаги пахта чигитларининг 20-25% ини 6-10 мм йўғонликдаги чигитлар, 27 % ини солиштирма оғирлиги энг юқори бўлган чигитлар ташкил этади.

Назарий тадқиқотлар натижалари асосида пахта чигитини сараловчи аэродинамик сепаратор яратилган, чигитни қайта ишлаш технологиясида қўлланилади. Таклиф этилаётган қурилма кириш патрубкеси ва сепарацион камера оралиғида йўналтирувчи ҳаво ва чигитлар оқими траекторияси ва тезликларини ўзгартирувчи регулятор ўрнатилган бўлиб, саралаш

жараёнининг самарасига қараб ҳаво оқимининг йўналиши, ҳамда тезлиги ўзгартирилиб, оптимал саралаш жараёнига эришилади [6-расм]:



1- рама; 2- электродвигатель; 3- ВЦ- 8вентилатори; 4- шкиф, 5-чигит бункери; 6- чигитни бир текисда таъминловчи; 7- пластинка; 8-қайишқоқ элементли ўқли регулятор; 9- туйнуклар; 10- чигит фракцияси камераси, 11-енгил аралашмалар чиқиб кетувчи циклон, 12-чигит бункерлари, 13- вакуум клапанлар.

6-расм. Саралагич схемаси

Аэродинамик чигит саралагичнинг ишлаш принципи: чигит таъминлагич 6 орқали сепарацион 10 камерага тушади. Натижада секцияларда тезлиги пасайган чигитлар ўз оғирлиги таъсирида сепарацион камеранинг тагига жойлаштирилган тўплагичлар 12 га тушади ва саралаш жараёни юз беради. Сепарацион камерада ҳаво тезлигининг камайиши натижасида жинланган чигитлар аэродинамик хусусиятлари бўйича оғирлик кучи таъсирида фракциялар бўйича ажралиши ҳосил бўлади. Тўлиқ чигитлар тўплагичнинг биринчи секциясига, ўртачаси иккинчи тўплагичга, пуч ва енгил чигит ҳаво оқими бўйича охирги тўплагичга, чанг ва ифлосликлар эса сепарацион камерасидаги ҳаво оқими билан чиқиш патрубкиси 11орқали ташқарига чиқарилади.

Саралаш жараёнининг самарасига қараб ҳаво оқими ва чигитнинг йўналиши ҳамда тезлигини регулятор 8 орқали йўналтиргич 7 воситасида камайтирилади ёки оширилади.

Илмий тадқиқот ишида яратилган конструкция учун Ўзбекистон Республикаси Давлат Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтирога иккита патент олинган.

Диссертациянинг **“Уруғлик чигитни ҳаво оқимида саралаш жараёни параметрларининг статистик таҳлили ва иқтисодий самарадорлигини аниқлаш”** деб номланган тўртинчи бобида пахта чигитини ҳаво оқимида саралаш қурилмаси тажрибавий ҳамда ишлаб чиқариш нусхаси синов натижалари ва ушбу қурилманинг ишлаб чиқаришда жорий этишда кутиладиган иқтисодий самарадорлик натижалари акс эттирилган.


Кўп омилли тадқиқотлар асосида ҳаво оқимида чигит сараловчи қурилманинг янги конструкцисининг рационал параметрлари асосланди. Ишлаб чиқариш унумдорлиги, тонна/соат X_1 , тажриба ўтказиш жараёнида ишлаб чиқариш унумдорлиги корхоналардаги талабдан келиб чиқиб соатига 1,0 - 2,0 тонна оралиғида танлаб олинди.

Чигит сараловчи қурилмада хаво оқими тезликлари X_2 14-18 м/с оралиғида танлаб олинди.

Пластинкали регуляторнинг горизонтга қиялик бурчаги X_3 25^0 дан 35^0 гача қилиб олинди. Оптимизация параметри $-U$ сифатида қурилманинг саралаш самарадорлиги қабул қилинди. Ўтказилган тадқиқотлар асосида куйидаги регрессия тенгламаси олинди:

$$U = 92,28750000 + 3,487499998X_1 - 0,445833334X_2 + 0,162500002X_3 - 0,045833333X_1X_2 + 0,125000002X_1X_3 - 0,541666666X_2X_3 - 0,104166666X_1X_2X_3$$

Регрессия тенгламаси ёрдамида олинган параметрларни ўзаро боғланиши MAPLE-2015, Matkad дастурларидан фойдаланган ҳолда, замонавий математик режалаштириш усуллари асосида максимум ва минимум графиклари ва тегишли параметрлар аниқланди (7-расм):



1-Q=27,2 кг/мин $V_6=17,97$ м/с ÷ $V_{10}=14,7$ м/с, $\alpha = 30^0 \div a_5=35^0$

2-Q=28,3 кг/мин $V_1=13,9$ м/с ÷ $V_{10}=15,4$ м/с, $\alpha = 25^0 \div a_5=35^0$

3-Q=28,8 кг/мин $V_1=14,5$ м/с ÷ $V_{10}=15,9$ м/с, $\alpha = 25^0 \div a_5=35^0$

4-Q=29,9 кг/мин $V_1=15,3$ м/с ÷ $V_{10}=16,7$ м/сек, $\alpha = 25^0 \div a_5=35^0$

5-Q=31,0 кг/мин $V_1=16$ м/с ÷ $V_{10}=17,5$ м/с, $\alpha = 25^0 \div a_5=35^0$

6-Q=32,2 кг/мин $V_1=16,5$ м/с ÷ $V_{10}=18$ м/с, $\alpha = 25^0 \div a_5=35^0$

7-Q=33,3 кг/мин $V_1=17,3$ м/с ÷ $V_6=18$ м/с, $\alpha = 26^0 \div a_5=30^0$

4.3-расм. Ишлаб чиқариш унумдорлигини пластинканинг оғиш бурчагига боғлиқлиги

Назарий ва амалий ечимлардан келиб чиққан ҳолда ва махсус талаблар асосида саралагич машинасининг ишлаб чиқаришда синаш учун тажриба қурилмасини ишлаб чиқаришга қўллаш учун мўлжалланган намунаси Чуст «Пахта толаси» акциядорлик корхонасида тайёрланди.

Саралагични ишлаб чиқаришда синаш ишлари алоҳида ишлаб чиқилган дастур асосида амалга оширилди. Синовлар Порлоқ-1 пахта навли, биринчи нав, 8-9 % намлик, 1,9-5,2 % ифлослик, чигитларнинг бошланғич тукдорлиги 0,2-0,5 % бўлган катталикларда олиб борилди.

Ишлаб чиқариш синовларининг натижаларига кўра, саралагични қўллаш орқали чигитнинг сифат кўрсаткичлари сезиларли даражада яхшиланди. Горизонтал аэродинамик саралагичнинг ишлаб чиқариш синовлари натижалари саралаб олинган чигитларнинг мавжуд ускунада 90.6%, янги саралагичдан кейин эса 96.4% -и экишга яроқли чигитларни ташкил этиши, сараланган чигит таркибидаги механик шикастланган чигитлар миқдори мавжуд саралагичда 2.99%, янгисида эса 1.91% ни ташкил этишини, шунингдек, 1000 дона чигит массаси мавжуд саралагичдан кейин 127 граммни ташкил этган бўлса, янги саралагич ўрнатилгач бу кўрсаткич 133 граммни ташкил этишини кўрсатди. Бу кўрсаткичлар чигитдаги энергетик потенциал даражасини ифодалайди ва чигитларнинг унувчанлиги яхшироқ бўлишини таъминлайди.

Ўтказилган таҳлилий тадқиқот натижалари асосида янги такомиллаштирилган аэродинамик саралагич қурилмаси яратилди. Уруғлик чигитни горизонтал аэродинамик саралаш қурилмаси «Наманган Пахтасаноат» ҳудудий филиалига қарашли Чуст пахта тозалаш корхонасида ишлаб чиқаришга жорий қилинган. Амалга оширилган ҳисобларнинг кўрсатишича янги аэродинамик саралагични пахта тозалаш корхоналари уруғлик чигит тайёрлаш технологиясига жорий этиш 1 йилда 1000 тонна чигит тайёрлайдиган корхона учун 70264,7 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

ХУЛОСА

Уруғлик пахта чигитини қайта ишлаш, тозалаш, саралаш бўйича амалга оширилган назарий ва амалий тадқиқотлар натижалари таҳлили асосида қуйидаги хулосаларга келинди:

1. Пахта чигитини тозалаш ва саралаш усуллари ҳамда машина ва ускуналари таҳлили шуни кўрсатдики, уларнинг барчасида саралашда юқори аниқликнинг таъминланмаслиги, жараённинг энергия сарфи юқорилиги каби камчиликлар кенг спектрли технологик параметрларга эга бўлган уруғларнинг ҳаракат динамикаси ва жараёнга таъсир этувчи омиллар назарий жиҳатдан чуқур ўрганилмаганлиги саралаш ускуналарининг рационал параметрларини аниқланмаганлигини кўрсатди.

2. Горизонтал қувур-камерадаги ҳаво оқими ва чигит ҳаракатини турли усулларда моделлаштириш уруғлик пахта чигитини уларнинг аэродинамик хусусиятлари ва массалари бўйича саралаб олиш имконини берди.

3. Математик моделлар таҳлилининг кўрсатишича горизонтал ҳаво оқимига перпендикуляр равишда юқорига йўналган ҳаво оқимининг қўшилиши чигитларни массаси ва аэродинамик кўрсаткичлари бўйича саралаш самарадорлигини ошириш имконини беради.

4. Яратилган математик моделлар таҳлили, уруғлик чигит саралагичига қўйилган талаблар ва назарий тадқиқотлар натижаларига кўра горизонтал ва вертикал йўналишдаги ҳаво оқимининг биргаликдаги самарасига асосланган курилма конструкцияси ишлаб чиқилди. Натижада пахта чигитини самарали ва юқори аниқликда саралашни имкони берган.

5. Ўтказилган амалий тадқиқотлар натижаларига кўра, чигитлар ичида энг кўп улуш 28 % ни узунлиги 10.4 мм бўлган чигитлар, 25% ни 10 мм бўлган чигитлар, 21% ни 9.6 мм ли, 10 % ни ташкил этиб, юқори ўлчамдаги чигитлар экилса пахта хосилдорлигини ортиш имконини беради.

6. Муайян навдаги пахта чигитларининг 20-25% ини 6-10 мм йўғонликдаги чигитлар, 27 % ини солиштирма оғирлиги юқори бўлган чигитлар экилса пахта хосилдорлигини ортиш имконини беради.

7. Кўп омилли режали экспериментлар ўтказиш ва олинган натижаларни чуқур таҳлил қилиш орқали янги саралагичнинг уруғлик чигит таркибида ифлослик ва экишга яроқсиз фракциялар камайиши ва саралаш самарадорлиги максимал қийматларини таъминловчи иш унуми, ҳаво тезлиги ва пластинка оғиш бурчагининг қуйидаги рационал қийматлари аниқланди:

$P=2$ тонна/соат; $v_x = 18$ м/с; $\alpha = 28$ град;

$P=1.5$ тонна/соат; $v_x = 16.5$ м/с; $\alpha = 30$ град;

$P=1$ тонна/соат; $v_x = 15$ м/с; $\alpha = 33$ град.

8. Горизонтал аэродинамик саралагичнинг ишлаб чиқариш синовлари натижалари саралаб олинган чигитларнинг мавжуд ускунада 90.6%, янги саралагичдан кейин эса 96.4% -и экишга яроқли чигитларни ташкил этиши, сараланган чигит таркибидаги механик шикастланган чигитлар миқдори мавжуд саралагичда 2.99%, янгисида эса 1.91% ни ташкил этишини, шунингдек, 1000 дона чигит массаси мавжуд саралагичдан кейин 127 граммни ташкил этган бўлса, янги саралагич ўрнатилгач бу кўрсаткич 133 граммни ташкил этишини кўрсатди.

9. Янги аэродинамик саралагични пахта тозалаш корхоналари уруғлик чигит тайёрлаш технологиясига жорий этиш 1 йилда 1000 тонна чигит тайёрлайдиган корхона учун 70264,7 минг сўм иқтисодий самара олиш имконини беради.

10. Ишлаб чиқариш синовлари натижаларидан келиб чиққан ҳолда янги аэродинамик чигит саралаш машинасини пахтани қайта ишлаш технологиясида уруғлик чигит тайёрлаш технологик жараёнига қўллаш мақсадга мувофиқлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSC 27.06.2017.Т.08.01 ПО
ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЁНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ
ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЁГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**НАМАНГАНСКИЙ ИНЖЕНЕРНО–ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

ТУРСУНОВ АБДИРАСУЛ ЮЛЧИБАЕВИЧ

**СОЗДАНИЕ ЭФФЕКТИВНОЙ ТЕХНОЛОГИИ СОРТИРОВКИ
ХЛОПКОВЫХ СЕМЯН С ПОМОЩЬЮ ВОЗДУШНОГО ПОТОКА**

05.06.02 – Технология текстильных материалов и первичная обработка сырья.

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ -2018

Тема диссертации доктора философия(Phd) по техническим наукам зарегистрирована в ВАК при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2018.1 PhD/T283

Диссертация выполнена в Наманганском инженерно – технологическом институте.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен в веб-сайте Ташкентского института текстильной и лёгкой промышленности (www.titli.uz) и на информационно – образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Ахмедходжаев Хамид Турсунович**
доктор технических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Джураев Анвар Джураевич**
доктор технических наук, профессор

Сулаймонов Рустам Шенникович
кандидат технических наук,

Ведущая организация: **Ферганский политехнический институт**

Защита диссертации состоится 30 марта 2018 года в 14⁰⁰ на заседании научного совета DSc 27.06.2017. Т.08.01. при Ташкентском институте текстильной и лёгкой промышленности (Адрес: 100100, г.Ташкент, Яккасарайский район, ул. Шахжахон, 5. Тел. (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс 253-36-17, e-mail: titlp_info@edu.uz), административное здание Ташкентского института текстильной и лёгкой промышленности, 2-этаж, 222-каб.)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно – ресурсном центре Ташкентского института текстильной и лёгкой промышленности (зарегистрирована за №28). Адрес: г.Ташкент, Яккасарайский район, ул. Шахжахон, 5. Тел. (+99871) 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан “15” марта 2018 года.
(протокол реестра за № 28 от «15» марта 2018 года)

К.Жуманиязов
Председатель Научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

А.З.Маматов
Учёный секретарь Научного совета
по присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор

С.Ш.Ташпулатов
Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению учёных
степеней, д.т.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность диссертации. Основным сырьем мирового текстильного производства является хлопковое волокно. «По сведению Международного Консультативного комитета¹» (ICAC) в 2016–2017 годах выработано 23.07 млн тонн хлопкового волокна, его потребность составило 24.55 млн тонн, запасы волокна–18.54 млн. тонн. В 2017–2018 годах выработка волокна ожидается в размере 25.1 млн. тонн. Повышение спроса на хлопковое волокно, в свою очередь, ставит задачу постоянного повышения его качества и эффективности его производства. При этом, большое внимание уделяется на повышение конкурентоспособности хлопкового волокна, модернизации устройств и технологии по выпуску современной и технологически надежной, высококачественной продукции. Тем более, в мировом производстве хлопка уделяется особое внимание на совершенствование высокоэффективных хлопкоочистительных машин и разработке ресурсосберегающей технологии.

В мировой практике проводится ширококомштабные исследования по совершенствованию техники и технологии первичной обработки хлопка-сырца. В этой сфере, разработка эффективной технологии сортировки посевных хлопковых семян при помощи воздушного потока, равномерная бесперебойная подача материала, разработка эффективных устройств ресурсосберегающих питателей, оптимизация режимов и параметров сортировочных машин обретают особую важность.

